



О'zbekiston Respublikasi, Samarqand viloyati, Kattaqo'rg'o shahri, Amir Temur ko'chasi, 4 uy. tel.: (836645) 6-25-13 faks. (836645) 6-1001

2015 у.г. «31» сентябрь № 1007/18 Каттакo'rg'on sh. – г. Каттакурган

**“Каттакўрғон шаҳар 4P-46 Самарқанд-Жума-Каттакўрғон йўли
атрофидан савдо мажмуаси куришга рухсат бериш тўғрисида”**

Каттакўрғон шаҳар ҳоқими номига “ORIGINAL FAROVON DIYOR” МЧЖ раҳбари А.Мўминовнинг 4P-46 Самарқанд-Жума-Каттакўрғон йўли атрофидан савдо мажмуаси куриш учун ер майдони ажратиш бўйича ёзган хатини, шаҳар ҳоқимлиги қошида тузилган комиссия аъзоларининг далолатномасини, вилоят Табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг экспертиза хулосасини, ОАЖ “Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ”нинг келишув хатини ва барча тўпланган ҳужжатларни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикасининг Ер ва Шаҳарсозлик Кодекслари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25-февралдаги № 54-сон “Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда кишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш, шунингдек объектларни куришга рухсатномалар бериш тартибини тубдан содалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда Самарқанд вилоят ҳоқимининг 2013 йил 6 мартдаги № 62-Қ сонли қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Каттакўрғон шаҳар ҳоқимлиги қошида тузилган комиссия аъзоларининг далолатномаси тасдиқлансин.
2. Каттакўрғон шаҳар “ORIGINAL FAROVON DIYOR” МЧЖ раҳбари А.Мўминовга 4P-46 Самарқанд-Жума-Каттакўрғон йўли атрофида фойдаланилмай турган 0,83 га ер майдонида бугунги кун архитектура ва курилиш талабларига жавоб берадиган савдо мажмуаси куришга рухсат берилсин.
3. Каттакўрғон шаҳар “ORIGINAL FAROVON DIYOR” МЧЖ раҳбари А.Мўминовга белгиланган тартибда келишилган лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида куриш учун ҳужжатларни расмийлаштириш юклатилсин.
4. Ушбу қарор тегишли ваколатли корхоналардан техник шартлар ва тегишли бўлимлардан рухсатномалар олиш учун асос ҳисобланади.
5. Шаҳар бош архитектори О.Розиқов ва шаҳар ҳоқимлиги етакчи мутахассиси Ж.Нигматуллаевларга савдо мажмуаси куришга ажратилган

178

худудни жойнинг ўзида (натурада) кўрсатиб ўлчаб бериш ва тегишли далолатнома расмийлаштириш топширилсин.

6. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилишни шаҳар ҳокимининг ўринбосари И.Маматов зиммасига юклатилсин.

Шаҳар ҳокими



Ш.Ж.Раҳмонов